

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.В.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВ ЛАЗИЗБЕК СОДИҚОВИЧ**

**ЎСИМЛИК АЛКАЛОИДЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ  
ТАҲЛИЛИ АСОСИДА ФАРМАКОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАР ИШЛАБ  
ЧИҚИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor  
of philosophy (PhD) on biological sciences**

**Юнусов Лазизбек Содиқович**

Ўсимлик алкалоидларининг биологик фаоллиги таҳлили асосида  
фармакологик препаратлар ишлаб чиқиш истиқболлари ..... 3

**Юнусов Лазизбек Содиқович**

Прспективы разработки фармакологических препаратов на основе  
анализа биологической активности растительных алкалоидов ..... 21

**Yunusov Lazizbek Sodiqovich**

The perspectives of the developing of the pharmacological medicines on the  
bases of analysis of the biological activity of plant alkaloids..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 39

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.В.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮНУСОВ ЛАЗИЗБЕК СОДИҚОВИЧ**

**ЎСИМЛИК АЛКАЛОИДЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ  
ТАҲЛИЛИ АСОСИДА ФАРМАКОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАР ИШЛАБ  
ЧИҚИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/B489 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зайнабиддинов Анвар Эркинжонович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Ғофуржон Раҳимжонович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Мирзаева Юлдузхон Тохиржоновна**  
биология фанлари бўйича, PhD

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.76.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 25 май куни соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161 - уй. Наманган давлат университети мажлислар зали. Тел.: (998-69) 228-85-01, факс (+99869) 228-85-02, e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)).

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161 - уй, Тел.: (+99869) 228-85-01.

Диссертация автореферати 2021 йил 13 май куни тарқатилди.  
(2021 йил \_\_\_\_ майдаги № \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ф. И. Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, б.ф.д.

**Х.Э. Эргашева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари бўйича PhD., доцент

**А.Р. Батошов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д., доцент

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида турли хил касалликлар, жумладан юрак–қон томир, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари сони тинимсиз ортиб бориши, глобал миқёсида долзарб тиббий–ижтимоий, иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Юрак–қон томир тизими патологиялари орасида энг кенг тарқалгани бу артериал гипертония бўлиб, ишемия, инфаркт ва инсульт касалликлари ривожланишининг асосий факторидир. Ўз навбатида маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси асосида кардиопротектив хоссага эга бўлган самарали бирикмаларни излаш, молекуляр таъсирини аниқлаш, фармакологик препаратлар яратиш ва даволашнинг янгича ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳим илмий - амалий аҳамият касб этади.

Дунёда қон томир тизими касалликларини олдини олиш ва даволаш мақсадида фармакологик препаратлар ишлаб чиқариш йўналишида ўсимликлардан ажратиб олинган алкалоидлар истиқболли манбалар ҳисобланишини тасдиқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, *Vinca erecta Regel* ўсимлигидан ажратиб олинган алкалоидларнинг кенг спектрда фармакологик фаолликка эгаллигини аниқлаш, индол алкалоидларини ажратиб олиш ва кимёвий идентификациялаш ҳамда кардиоваскуляр терапия амалиётида самарали даволаш чора–тадбирлари комплексини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда фармацевтика саноатининг жорий ҳолатини такомиллаштириш ва истиқболдаги ривожланишини белгилаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида ишлаб чиқарилган сифатли ва хавфсиз дори воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ўсимликлардан ажратиб олинган фармакологик фаолликка эга биологик фаол моддаларни юрак ва силлиқ мускул ҳужайраларининг ион транспорт тизимларига таъсир механизмларини аниқлашга қаратилган изланишлар муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина етакчи илмий марказларида индол алкалоидларини ажратиб олиш бўйича Macrae C.F. ва Edgington P.R. (2006), кимёвий идентификациялаш, фармакологик таъсирини аниқлашга ва тавсифлаш йўналишида Sheldrick G.M. (2015), Grandberg I.I. (2003), Szilagyı G. ва Nagy Z. (2005) кенг кўламдаги илмий изланишлар олиб боришмоқда.

МДҲ миқёсида ушбу йўналишда Lavrenova G.V. (1997), Андрианов В.М. (2015), Kurmukov A.G. (1992) ва Соколова Н.Д. (1981) томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ёритилган.

Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари томонидан *Vinca erecta Regel* ўсимлигидан ажратиб олинган индол алкалоидлар бўйича дастлаб асосан Юлдашев П.Х., Маликов В.М. ва шогирдлари тадқиқотлар олиб борган. Ушбу алкалоидларнинг фармакологик хусусиятлари проф., Курмуков томонидан ўрганилиб, амалиётга тавсия этилган. Асосий индол алкалоидларини ўсимликлардан ажратиш технологиясини ва тиббиётга тадбиқ қилишни акад., Арипов Х.Н. ва унинг шогирдлари томонидан амалга оширилган. Кардиотроп, спазмолитик ва гипотензив таъсирга эга кўп миқдорда турли ўсимликлардан алкалоидлар ва флаваноидлар ажратиб олинган бўлиб, Салимов Б.Т. (2010), Султонхаджаев М.Н. (2002), Адизов Ш.М. (2014), Хушбақтова З.А. (2015) лар юрак-қон томир тизими касалликларини даволаш учун дори воситаларини яратишда катта ҳисса қўшган. Бу бирикмаларнинг молекуляр таъсир механизмлари Усманов П.Б., Зайнабиддинов А.Э. ва бошқ. томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Лекин ушбу алкалоидларнинг кўпчилигининг фармакологик фаоллиги, жумладан вазорелаксант таъсир механизмлари тўлиқ аниқланмаган ва шу сабабли, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларни давом эттириш назарий-амалий нуқтаи назардан долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФА-Ф-6-004 «Юрак-қон томир касалликларини даволашни адекват йўллари ишлаб чиқиш учун юрак ва силлиқ мушак хужайралари истикболли нишонларини модуляция механизмларининг комплекс тавсифи» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Vinca erecta Regel* ўсимлигидан ажратиб олинган – копсинин, N4-йод метилат копсинин, N1-ацетил копсинин индол

алкалоидларининг структурага боғлиқ релаксant таъсирини қиёсий тавсифлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

копсинин, N4-йод метилат копсинин, N1-ацетил копсинин алкалоидларининг аорта силлиқ мускул препаратига релаксant таъсирини тадқиқ қилиш ва уларнинг таъсирларини концентрацияга боғлиқлигини тавсифлаш;

копсинин, N4-йод метилат копсинин, N1-ацетил копсинин алкалоидларининг аорта силлиқ мускул препаратига релаксant таъсирида мембрана  $Ca^{2+}$ -каналларининг ўрнини баҳолаш;

копсинин, N4-йод метилат копсинин, N1-ацетил копсинин алкалоидларининг релаксant таъсирида  $Na^{+}/Ca^{2+}$ -алмашинувчи тизим фаолиятини таҳлил қилиш;

копсинин, N4-йод метилат копсинин, N1-ацетил копсинин алкалоидларининг CP  $Ca^{2+}$ -ташувчи тизимлар фаолиятига таъсирини тадқиқ қилиш;

копсинин, N4-йод метилат копсинин, N1-ацетил копсинин алкалоидларининг релаксant таъсирини уларнинг кимёвий структурасига боғлиқ томонини таҳлил қилиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Vinca erecta Regel* ўсимлигидан ажратиб олинган – копсинин ( $C_{21}H_{26}N_2O_2$ ), N4-йод метилат копсинин [ $C_{22}H_{29}N_2O_2$ ]<sup>+</sup>(I)<sup>-</sup> ва N1-ацетил копсинин ( $C_{23}H_{28}N_2O_3$ ) индол алкалоидлари, шунингдек каламуш аорта қон томир препаратлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** копсинин, N4-йод метилат копсинин, N1-ацетил копсинин индол алкалоидларининг релаксant таъсирини ўзига хослиги, уларнинг кимёвий структурасига боғлиқлиги ва буни таъминлашда аорта препарати силлиқ мусул хужайралари  $Ca^{2+}$ - транспорт тизимларининг роли ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида аорта мускулининг қисқариш, функционал фаоллигини қайд этиш ва таҳлилинини ўтказиш учун замонавий биофизик-физиологик тадқиқот услублари, жумладан – *in vitro* шароитида қон томир препаратининг изометрик қисқариш фаоллигини қайд қилиш механография, ингибиторли таҳлил услубларидан фойдаланилди. Олинган натижаларни қайта ишлаш ва статистик таҳлил қилишда OriginPro v. 8.5 (OriginLab Corporation; АҚШ) компьютер дастуридан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин индол алкалоидларининг кимёвий структураси ва фойдаланилган концентрацияга боғлиқ релаксant фаоллиги ва унинг асосида ётувчи механизмлар очиб берилган;

N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларининг релаксant фаоллиги потенциалга боғлиқ фаоллашувчи  $Ca^{2+}$ -каналларининг ингибирланиши ҳисобига юз бериши асосланган;

копсинин алкалоидининг релаксанти фаоллиги фенилэфрин билан чақирилган қисқариш шароитида рецепторга боғлиқ фаоллашувчи  $Ca^{2+}$ -каналлари орқали  $Ca^{2+}$  ионларини хужайрага киришини камайиши ва саркоплазматик ретикулумдан уларнинг ажралишини блоканиши орқали таъминланиши аниқланган;

копсинин алкалоидининг кимёвий структурасини N4 ва N1 ҳолатларига метилен ҳамда ацетил гуруҳини киритиш орқали ҳосил қилинган N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларида релаксанти фаоллигининг кучайиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

*Vinca erecta Regel* ўсимлигидан ажратиб олинган – копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин индол алкалоидларининг релаксанти фаоллиги, бу фаоллик уларнинг кимёвий структураси ва фойдаланилган концентрацияга боғлиқ эканлиги аниқланган;

копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин индол алкалоидларининг қон томир препаратига релаксанти таъсирининг ион механизмлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларда замонавий биофизик ва физиологик тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги, натижалар таҳлили замонавий компьютер дастури ёрдамида таҳлил қилинганлиги билан тасдиқланади ҳамда республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокама, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – доривор ўсимликлардан ажратиб олинган индол алкалоидларининг релаксанти таъсир механизмлари ва улар ёрдамида қон томир силлиқ мускул хужайраларида  $[Ca^{2+}]_i$  динамикасини фармакологик регуляция қилиш ҳақидаги назарий билимларни кенгайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти индол алкалоидларининг релаксанти таъсири билан боғлиқ механизмларнинг янги тафсилотларини очиб беради ва муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган алкалоидларнинг структураси ва уларнинг релаксанти фаоллиги орасидаги ўзаро алоқаларни тушунишга имкон берилади. Мазкур тадқиқотнинг натижалари жиддий ноҳўя таъсирлардан холи бўлган ва юқори самарали вазорелаксанти фармакологик препаратларнинг оқилона дизайни ва янги авлодини яратишда муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўсимлик алкалоидларининг биологик фаоллиги таҳлили асосида фармакологик препаратлар ишлаб чиқиш истиқболлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

копсинин алкалоидининг релаксанти таъсирида рецепторга боғлиқ фаоллашувчи  $Ca^{2+}$ -каналларини блокловчи хоссасидан №ПЗ-2017092060

«Сульфатланган полисахаридлар асосида гепаринга ўхшаш антикоагулянтни ишлаб чиқиш» лойиҳасида дезоксипеганин, N-Dal алкалоидининг тромбоцитларга протектор таъсирини тавсифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 89-03-4917-сон маълумотномаси). Натижада, алкалоиднинг қонни ивиш тизимига, тромбоцит хужайраларига протектор таъсир механизмларини тавсифлаш имконини берган;

N4-йод метилат копсинин, N1-ацетил копсинин алкалоидлари силлик мускул хужайрасида потенциалга боғлиқ  $Ca^{2+}$ -каналлари блокадаси орқали  $[Ca^{2+}]_{in}$  миқдорини камайтириш хусусиятидан №ПЗ-2017092060 «Сульфатланган полисахаридлар асосида гепаринга ўхшаш антикоагулянтни ишлаб чиқиш» лойиҳасида N-метилцитизин, цитизиннинг гемостаз тизимидаги плазма ва тромбоцитлар факторларига блокловчи таъсирини тавсифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 89-03-4917-сон маълумотномаси) Натижада, алкалоидларнинг қонни ивиш тизимига, тромбоцит хужайраларига протектор таъсир механизмларини тавсифлаш имконини берган;

копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин индол алкалоидларининг кимёвий структураси ҳамда концентрацияга боғлиқ релаксат фаоллиги бўйича олинган натижалар Барселона Автоном университетининг илмий тадқиқотида фойдаланилган (Universitat Auto'noma de Barcelona (Испания) 2020 йил 12 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада, организмдаги нейродегенератив касалликлар ва оксидловчи стресс ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, якуний қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 94 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги

кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Қон томир силлиқ мускул хужайралари функционал фаоллиги таъминланишининг молекуляр механизмлари тавсифи»** деб номланган биринчи бобида замонавий адабиёт маълумотлари асосида силлиқ мускул хужайраси тузилиши ва функциясининг физиологик асослари, қисқариш - бўшашиш жараёни таъминланишининг молекуляр механизмлари, ион каналлари ва рецепторлари (рецепторга боғлиқ  $Ca^{2+}$  каналлари, потенциалга боғлиқ фаоллашувчи  $Ca^{2+}$ -каналлари,  $Na^+$ ,  $K^+$  ион каналлари,  $Na^+/Ca^{2+}$ -алмашинувчи тизим ва саркоплазматик ретикулум рианодин рецептори (RyR),  $Ca^{2+}$  АТФаза тизими) ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, силлиқ мускул функционал фаоллигида  $Ca^{2+}$ -ионларининг ўрни ва бошқарилиши ҳамда маҳаллий ўсимлик турларидан ажратиқ олинган биологик фаол моддаларнинг классификацияси ва фармакологик фаоллиги ҳақида умумий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Аорта силлиқ мускулининг қисқариш фаоллигини ўрганиш услублари»** деб номланган иккинчи бобида ушбу ишни бажаришда фойдаланилган фармакологик препаратлар ва реактивлар, тадқиқот материаллари, тажриба протоколлари (схемалари) ва олинган натижаларни статистик қайта ишлаш ҳамда каламуш аорта қон томир мускул препаратиди қисқариш фаоллигини қайд қилиш услублари келтирилган.

Диссертациянинг **«Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини аорта силлиқ мускулининг функционал фаоллигига таъсирида плазмалемма ион-транспорт тизимларининг роли»** деб номланган учинчи бобида копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини аорта силлиқ мускулининг функционал фаоллигига таъсирида  $[Ca^{2+}]_o$  концентрациясини ва потенциалга боғлиқ  $Ca^{2+}$ -каналларининг роли, плазмолеммада жойлашган рецепторга боғлиқ  $Ca^{2+}$ -каналларининг иштироки ҳамда аорта мускулининг функционал фаоллигига таъсирида  $Na^+/Ca^{2+}$ -алмашинувчи тизимларининг иштирокини баҳолаш учун олиқ борилган тажриба натижалари келтириқ ўтилган.


*Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини аорта силлиқ мускулининг функционал фаоллигига таъсирида  $[Ca^{2+}]_o$  концентрациясини ва потенциалга боғлиқ  $Ca^{2+}$ -каналларининг роли. Vinca erecta Regel ўсимлигидан ажратиқ олинган, индол алкалоидлари – копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсининнинг *in vitro* шароитиди каламуш аорта қон томирининг изометрик қисқариш фаоллигига вазорелаксант таъсири ўрганилди. Қон томир силлиқ мускул хужайралари функционал фаоллиги таъминланишида  $[Ca^{2+}]_{in}$  динамик ўзгариши марказий аҳамиятга эга бўлиқ, силлиқ мускул*

хужайрасида KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи бевосита Ca<sup>2+</sup><sub>L</sub>-каналли активацияси билан боғлиқлиги тасдиқланган (Berridge et al., 2008). Олиб борилган тадқиқотларимизда копсинин (50–300 мкМ) ва N4-йод метилат копсинин (5–30 мкМ) алкалоидлари каламуш аорта қон томирининг KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган изометрик қисқариш фаоллигига сезиларли даражада вазорелаксат таъсирга эгаллиги аниқланди. Жумладан, копсинин 50 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан 6,1±3,1% га камайтириши ва максимал 300 мкМ концентрацияда 62,2±4,9% га камайтириши аниқланди. Шунингдек, N4-йод метилат копсинин 5 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан 34,5±4,7% га камайтириши ва максимал 30 мкМ концентрацияда 83,2±3,2% га камайтириши аниқланди. Бунда копсинин ва N4-йод метилат копсинин учун (EC<sub>50</sub>) қиймати мос равишда – 178,8 мкМ ва 8,7 мкМ га тенглиги аниқланди (1–расм А ва Б).



**1-расм. Копсинин (А) ва N4-йод метилат копсинин (Б) алкалоидларининг аорта препаратида KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқаришга концентрацияга боғлиқ вазорелаксат таъсири.** Ордината ўқида – аорта қисқариш кучи 50 мМ KCl ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи 100% деб олинган. Абсцисса ўқида – алкалоидларнинг концентрацияси мкМ ифодаланган. Барча ҳолатларда ишончлилик кўрсаткичи (\* –  $p < 0,05$ ;  $n = 4$ ).

Шунингдек, тажрибаларимиз давомида N1-ацетил копсинин алкалоиди каламуш аорта қон томирининг KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган изометрик қисқариш фаоллигига сезиларли даражада вазорелаксат таъсирга эгаллиги аниқланди. Жумладан, N1-ацетил копсинин алкалоиди минимал 5 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан 18,1±3,3%га камайтириши ва максимал 25 мкМ концентрацияда 95,5±4,0% камайтириши аниқланди (2–расм). Ушбу шароитда N1-ацетил копсинин алкалоидининг ярим максимал таъсир концентрацияси EC<sub>50</sub> = 12,4 мкМ ни ташкил қилди ва каламуш аорта силлиқ мускул препарати қисқариш фаоллигини 50,2±3,6% га сусайтириши аниқланди.



**2-расм. N1-ацетил копсинин алкалоидининг аорта препаратидида KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқаришга концентрацияга боғлиқ вазорелаксант таъсири.** Ордината ўқида – аорта қисқариш кучи 50 мМ KCl ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи 100% деб олинган. Абцисса ўқида – алкалоидларнинг концентрацияси мкМ ифодаланган. Барча ҳолатларда ишончлилик кўрсаткичи (\* –  $p < 0,05$ ;  $n=4$ ).

Олиб борилган тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, копсинин алкалоидининг кимёвий структурасини N4 ва N1 ҳолатига метилен ҳамда ацетил гуруҳини киритиш орқали ҳосил қилинган N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларининг гиперкалийли шароитида релаксант таъсирининг кучайишига олиб келган.

Шу билан бирга, калийли контрактура шароитидаги  $IC_{50}$  қийматлари таҳлил қилинганда, копсинин алкалоидининг ҳосилалари N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин нисбатан бир неча баробар кучли релаксант фаолликка эга эканлигини аниқланди.

Тажрибаларда таркибида  $[Ca^{2+}]_{out}=0,1-2,5$  мМ диапазондаги Кребс–Хензелейт физиологик эритмасидан фойдаланиб, алкалоидларнинг вазорелаксант таъсири таҳлил қилинди.

Копсинин, N4-йод метилат копсинин N1-ацетилкопсинин алкалоидларининг релаксант таъсири  $[Ca^{2+}]$  концентрациясига боғлиқ амалга ошиши аниқланди, бунда алкалоидлар мавжуд шароитда аорта препаратининг қисқариш фаоллигини назоратга нисбатан копсинин  $62,2 \pm 4,7\%$  га, N4-йод метилат копсинин  $83,2 \pm 3,8\%$  га ва N1-ацетилкопсинин  $95,5 \pm 5,6\%$  гача камайтирди (1–жадвал), ушбу олинган натижалар ўрганилган алкалоидларнинг релаксант таъсири  $Ca^{2+}_L$ -каналли блокадаси билан боғлиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларининг аорта қон томири силлиқ мускул препаратидида KCl 50 мМ ёрдамида юзага келтирилган қисқаришига  $[Ca^{2+}]$  концентрациясига боғлиқ релаксант таъсири тўғрисидаги натижалар қуйидаги 1-жадвал келтирилган.


**Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин  
алкалоидларнинг аорта қон томири силлиқ мускул препаратига KCl  
50 мМ ёрдамида юзага келтирилган қисқаришига  $[Ca^{2+}]_o$   
концентрациясига боғлиқ релаксанти таъсири**

$[Ca^{2+}]_o$ концентрацияси (мМ)	Релаксанти таъсир (%)			
	Назорат	Копсинин (300 мкМ)	N4-йод метилат копсинин (30 мкМ)	N1-ацетил копсинин (25 мкМ)
<b>0,5</b>	31,3±3,1 %	11,9±3,0 %	4,2±2,1 %	2,9±1,7 %
<b>1,0</b>	58,9±4,7 %	20,3±2,8 %	9,8±3,3 %	3,2±1,2 %
<b>1,5</b>	80,1±5,0 %	27,2±3,4 %	12,5±3,7 %	3,8±1,5 %
<b>2,0</b>	94,7±3,9 %	34,6±4,1 %	15,4±4,0 %	4,1±2,2 %
<b>2,5</b>	100±4,5 %	37,8±3,8 %	16,8±3,4 %	4,5±1,9 %

Изох: Кребс эритмаларига  $CaCl_2$  ни кумулятив қўшиш билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларнинг таъсири. KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи назорат (100%) сифатида қабул қилинган (барча ҳолатларда  $p < 0,05$ ;  $n = 5$ ).

Тажриба муҳитида верапамил ( $IC_{50} = 0,1$  мкМ) инкубацияси шароитида аорта силлиқ мускул препаратининг қисқариш кучи назоратга нисбатан  $50 \pm 3,4\%$  га камайиши кузатилиб, ушбу шароитда копсинин ( $IC_{50} = 178,8$  мкМ) алкалоиди таъсирида аорта силлиқ мускул препарати қисқариш кучи қўшимча равишда –  $4,6 \pm 3,4\%$  гача, назоратга нисбатан  $54,6 \pm 4,2\%$  га камайиши кузатилди. Шунингдек, N4-йод метилат копсинин ( $IC_{50} = 8,7$  мкМ) аорта силлиқ мускул препарати қисқариш кучини қўшимча верапамил мавжуд шароитга нисбатан  $8,3 \pm 3,1\%$  гача сусайтириши назоратга нисбатан  $58,3 \pm 4,8\%$  га камайириши, N1-ацетил копсинин  $18,8 \pm 5,2\%$  га сусайтириши аниқланди (3-расм).


Ўтказилган тажриба натижалари ушбу алкалоидларнинг релаксанти таъсири  $Ca^{2+}_L$ -канални блокаде билан боғлиқлигини кўрсатади, шунингдек, N4-йод метилат копсинин ( $IC_{50} = 8,7$  мкМ) ва N1-ацетил копсинин ( $IC_{50} = 12,4$  мкМ) алкалоидлари верапамил таъсирини қўшимча равишда камайириши ушбу алкалоидларнинг  $Ca^{2+}_L$ -канални блокадедан ташқари қўшимча таъсир механизмига эга эканлигини кўрсатади.



**3-расм. Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларининг релаксат таъсирини потенциалга-боғлиқ L-тип  $Ca^{2+}$ -каналлари ҳолатига боғлиқлиги.** Верапамил (0,1 мкМ) мавжуд шароитда 50 мМ KCl ёрдамида чақирилган мускул қисқаришига копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсининнинг релаксат таъсири (барча ҳолатларда ишончлилик кўрсаткичи \* –  $p < 0,05$ ;  $n=4$ ).


*Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини аорта силлиқ мускулунинг функционал фаоллигига таъсирида плазмолеммада жойлашган рецепторга боғлиқ  $Ca^{2+}$ -каналларининг иштироки.* Силлиқ мускул ҳужайраларида  $Ca^{2+}$  гомеостазини бошқарилишида потенциалга боғлиқ  $Ca^{2+}$ -каналларидан ташқари рецептор бошқарилувчи  $Ca^{2+}$ -каналлари ҳам муҳим роль ўйнайди (Chitaley et al., 2001). Навбатдаги тажрибаларда ўрганилаётган алкалоидларнинг рецептор бошқарилувчи  $Ca^{2+}$ -каналларига таъсир эффеқтини баҳолаш учун  $\alpha_1$ -адренорецептор агонисти - фенилэфрин (ФЭ)дан фойдаланилди. ФЭ билан чақирилган аорта мускул қисқариши асосан рецептор-бошқарилувчи  $Ca^{2+}$ -каналлари орқали кирувчи  $Ca^{2+}$ -ионлари билан таъминланади (Karakı et al., 1997). Тажрибаларда адренорецептор агонисти ФЭ (1 мкМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучига N4-йод метилат копсинин алкалоидининг аорта мускул препаратига суёт таъсир этиши кузатилди. Натижалар шуни кўрсатябдики N4-йод метилат копсинин алкалоидининг релаксат таъсирида рецептор орқали бошқарилувчи  $Ca^{2+}$ -каналлар иштироки кам (4-расм Б).

Копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг ФЭ билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига таъсири бўйича натижалар 4-расмда келтирилган. Копсинин алкалоиди аорта силлиқ мускули препаратига ФЭ таъсирида юзага келтирилган қисқаришига релаксат таъсири ўрганилганда 200 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан  $88,9 \pm 4,5\%$ га камайтириши кузатилди (4-расм А).



**4-расм.** Копсинин (А) ва N4-йод метилат копсинин (Б) алкалоидларининг фенилэфрин билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига таъсири. Ордината ўқи бўйича - 1 мкМ ФЭ ёрдамида чақирилган аорта қисқариш кучи 100% деб олинган (барча ҳолатларда  $p < 0,05$ ;  $n = 3$ ).

Шунингдек, тажрибаларимизда N1-ацетил копсинин алкалоидининг ФЭ билан чақирилган мускул қисқариш кучига таъсири ўрганилди. Тажрибаларимизда N1-ацетил копсинин алкалоиди 100 мкМ концентрацияда аорта қисқариш кучини назоратга нисбатан  $55,7 \pm 4,1\%$ га сусайтириши кузатилди (5-расм).




**5-расм.** N1-ацетил копсинин алкалоидининг фенилэфрин билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига таъсири. Ордината ўқи бўйича - 1 мкМ ФЭ ёрдамида чақирилган аорта қисқариш кучи 100% деб олинган (барча ҳолатларда  $p < 0,05$ ;  $n = 3$ ).

Ўтказилган тажриба натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларининг

релаксанти таъсирида каламуш аорта мускули препаратининг гиперкалийли эритмалар билан чақирилган қисқаришига релаксанти таъсир кўрсатади, лекин аортани фенилэфрин билан чақирилган қисқаришига камроқ релаксанти таъсир кўрсатади. Олиб борилган тажрибалар копсинин алкалоидининг аорта силлиқ мускули препаратига релаксанти таъсирида рецептор-бошқарилувчи  $\text{Ca}^{2+}$  иштироки билан боғлиқлигидан далолат беради.

*Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини аорта силлиқ мускулининг функционал фаоллигига таъсирида плазмолемма  $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизимларининг иштироки.*

Тажрибаларимизда копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларини оуабайн ёрдамида юзага келган аорта мускули қисқаришига таъсири кузатилди (7-расм). Дастлаб ФЭ 1 мкМ ёрдамида чақирилган аорта мускули препарати қисқариш кучи 100% деб олинди. ФЭ ёрдамида чақирилган қисқаришга нисбатан оуабайннинг максимал доза (20 мкМ)да чақирилган аорта қисқариш кучи  $79,9 \pm 3,1\%$ га тўғри келди. Худди шу муҳитда копсинин (300 мкМ) ва N4-йод метилат копсинин (30 мкМ) алкалоидларининг таъсири кузатилганда оуабайн ёрдамида чақирилган аорта мускули қисқаришини  $79,9 \pm 3,1\%$  дан  $32,6 \pm 4,3$  ва  $18,5 \pm 2,4\%$  га камайтириши аниқланди. Шунингдек, N1-ацетил копсинин (25 мкМ) алкалоиди оуабайн ёрдамида чақирилган ( $79,9 \pm 3,1\%$ ) аорта қисқаришини  $12,7 \pm 2,9\%$  га камайтириши кузатилди.




**7-расм. Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин оуабайн ёрдамида чақирилган аорта мускули қисқаришига таъсири.** Ордината ўқида - аорта мускулининг қисқариш кучи 100% деб олинган. (барча ҳолатларда ишончлилиқ кўрсаткичи  $*p < 0,05$ ;  $n=4$ ).

Олинган натижаларнинг таҳлили асосида шуни хулоса қилишимиз мумкинки, ўрганилаётган алкалоидларнинг релаксанти таъсири асосида силлиқ мусул ҳужайраси плазмолеммасида жойлашган потенциалга боғлиқ  $\text{Ca}^{2+}$ -каналлари ва рецептор-бошқарилувчи  $\text{Ca}^{2+}$ -каналларининг блоканиши

билан бирга  $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ -алмашинувчи тизимнинг ҳам блокляниши орқали таъминлянишини юқоридаги тажрибаларимиз исботляйди.


Диссертациянинг «Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини аорта силлиқ мускулининг функционал фаоллигига таъсирида саркоплазматик ретикулум  $\text{Ca}^{2+}$ -ташиш тизимларининг роли» деб номланган тўртинчи бобни биринчи бўлимида копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини аорта силлиқ мускулининг функционал фаоллигига таъсирида саркоплазматик ретикулум инозитол-1,4,5-трифосфат рецепторининг иштироки ёритилган. Тажрибаларимизда ушбу ўрганиляётган алкалоидларни Кребс эритмаси таркибида  $\text{Ca}^{2+}=0$  мМ ҳолатда ФЭ ёрдамида чақирилган аорта мускули қисқаришига таъсири кузатилди. Ўтказилган тажрибаларимизда муҳитда копсинин (200 мкМ), N4-йод метилат копсинин (50 мкМ) ва N1-ацетил копсинин (100 мкМ) алкалоидлари мавжуд шароитда ФЭ ёрдамида чақирилган қисқариш кучи назоратга нисбатан  $20,8 \pm 2,9\%$ га,  $31,2 \pm 3,4\%$ га ва  $30,3 \pm 4,5\%$  га тушириши кузатилган (8-расм).



8-расм. Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини Кребс эритмасида таркибида  $\text{Ca}^{2+}=0$  ҳолатида ФЭ ёрдамида чақирилган аорта мускули қисқариш кучига таъсири. Кребс эритмаси таркибида  $\text{Ca}^{2+}=0$  мМ ҳолатда ФЭ (1 мкМ) ёрдамида чақирилган аорта қисқариши назорат сифатида 100% деб олинган (барча ҳолатларда ишончлилик кўрсаткичи  $*p < 0,05$ ;  $n=4$ ).

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, копсинин алкалоидининг аорта силлиқ мускул препаратига релаксанти таъсири плазмалеммада жойлашган рецепторга боғлиқ  $\text{Ca}^{2+}$ -канал билан бирга  $\text{IP}_3$ дан  $\text{Ca}^{2+}$ -ионлари чиқишини блокляши орқали амалга ошишини кўсатади. Шунингдек, ўтказилган тажрибалар N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини релаксанти таъсири асосида плазмолеммада жойлашган потенциалга боғлиқ  $\text{Ca}^{2+}_L$ -каналлари ва  $\text{IP}_3$ ларини блокляши билан боғлиқ эканлигини исботляйди. Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил


копсинин алкалоидларини аорта силлиқ мускулининг функционал фаоллигига таъсирида саркоплазматик ретикулум  $\text{r}$ -рианодин рецепторининг иштироки баён қилинган. Саркоплазматик ретикулум  $\text{RyR}$   $\text{Ca}^{2+}$ -ионлари ажралиб чиқишини таъминловчи каналлардан бири ҳисобланади. Тажрибаларимизни кейинги босқичида саркоплазматик ретикулумдан  $\text{Ca}^{2+}$ -ионларини чиқишига алкалоидларининг таъсирини ўрганиш мақсадида  $\text{RyR}$ нинг активатори-кофеиндан фойдаландик. Тажрибаларимизда кофеин 8 мМ концентрацияда назоратга нисбатан  $69,8 \pm 4,7\%$  тенг бўлган қисқаришни вижудга келтириши кузатилди. Ўрганилаётган алкалоидларни нормал Кребс эритмасида 5-10 минут давомида инкубация қилиб, сўнгра кофеин таъсирида вижудга келган аорта қисқаришига таъсирини кузатдик. Ўтказилган тажрибаларимизда копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидлари аорта мускули қисқаришини сезиларли камайтириши аниқланди (9-расм).



**9-расм. Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини нормал Кребс эритмасида кофеин билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига таъсири.** Копсинин (200 мкМ), N4-йод метилат копсинин (50 мкМ) ва N1-ацетил копсинин (100 мкМ) алкалоидлари мавжуд шароитда Кребс эритмаси таркибида  $\text{Ca}^{2+}=2,5$  мМ ҳолатда кофеин (8 мМ) ёрдамида чақирилган аорта қисқариши. Мускул қисқариш кучи назорат сифатида 100% деб олинган (барча ҳолатларда ишонччилик кўрсаткичи  $*p < 0,05$ ;  $n=3$ ).

Олинган натижалар таҳлиliga кўра, ўрганилаётган алкалоидларнинг аорта мускулига релаксат таъсири саркоплазматик ретикулум  $\text{RyR}$  орқали  $\text{Ca}^{2+}$ -ионларини чиқишини сусайтириши билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ушбу алкалоидлар таъсирида саркоплазматик ретикулумдан  $\text{Ca}^{2+}$ -ионларини чиқишини сусайиши силлиқ мускул хужайралари цитозолида  $\text{Ca}^{2+}$ -ионлари миқдорини камайишига сабаб бўлади, бу ҳолат аорта мускули қисқариш кучини камайтиради. Мазкур бобнинг учинчи бўлимида *Копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларини аорта силлиқ мускулининг функционал фаоллигига таъсирида саркоплазматик ретикулум  $\text{Ca}^{2+}$ -АТФаза тизимининг иштироки* ёритилган. Тажрибаларимизда аорта

мускули препаратига ўрганилаётган алкалоидларни олдиндан инкубация қилиб, ЦПК ёрдамида қисқариш чақириб алкалоидларни релаксант таъсир эффеќтини текшириб кўрдик. Ўтказилган тажрибаларимизда копсинин (200 мкМ), N4-йод метилат копсинин (50 мкМ) ва N1-ацетил копсинин (100 мкМ) алкалоидларининг инкубатцияси шароитида ЦПК ёрдамида чақирилган аорта мускули қисқариш кучининг камайиши кузатилган (10-расм). Ушбу олинган натижалар шуни кўрсатадики, алкалоидлар таъсирида ЦПК ёрдамида чақирилган аорта силлиқ мускули қисқариш кучини камайиши силлиқ мускул хужайраларининг цитозолида  $Ca^{2+}$ -ионлари миќдорини ортишини кўрсатади. Тажрибада ЦПК ёрдамида чақирилган аорта қисқариши  $64,5 \pm 3,9\%$ ни ташкил қилган бўлса, алкалоидлар мавжуд шароитда ушбу кўрсаткич бир неча баробарга камайганлиги кузатилди.



**10-расм. Инкубация муҳитида копсинин, N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидлари мавжуд шароитда циклопиазон кислота ёрдамида чақирилган аорта мускули қисқариши.** Копсинин (200 мкМ), N4-йод метилат копсинин (50 мкМ) ва N1-ацетил копсинин (100 мкМ) алкалоидлари мавжуд шароитда ЦПК ёрдамида чақирилган аорта қисқариши. Мускул қисқариш кучи назорат сифатида 100% деб олинган (барча ҳолатларда ишончлилик кўрсаткичи  $*p < 0,05$ ;  $n=4$ ).

Ўтказилган тажрибаларда олинган натижалар таҳлили асосида шундай хулоса қилишимиз мумкинки, саркоплазматик ретикулум  $Ca^{2+}$ -АТФаза тизимини ЦПК билан блокраниши силлиқ мускул хужайраларида  $Ca^{2+}$ -ионларини миќдорини ошишига олиб келади, бу жараён ўз навбатида аорта силлиқ мускулида қисқаришни вижудга келтиради. Ўрганилаётган алкалоидларнинг аорта силлиқ мускули қисқаришига релаксант таъсири саркоплазматик ретикулумда  $Ca^{2+}$ -ионлари миќдорини камайтириши билан изоҳланади.

## ХУЛОСАЛАР

1. *Vinca erecta Regel* ўсимлигидан ажратиб олинган индол алкалоидлари – копсинин, N4-йод метилат копсинин, N1-ацетил копсинин

яққол номоён бўлувчи вазорелаксанти фаолликка эга бўлиб, бу фаоллик уларнинг кимёвий структураси ва қўлланилган концентрацияларига боғлиқ ҳисобланади.

2. Копсинин алкалоидининг кимёвий структурасини N4 ва N1 ҳолатига метилен ҳамда ацетил гуруҳини киритиш орқали ҳосил қилинган N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларининг релаксанти таъсирининг сезиларли даражада ортишига олиб келди.

3. N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларининг релаксанти таъсири асосан плазмолеммада жойлашган потенциалга боғлиқ  $Ca^{2+}_L$ -каналли ва саркоплазматик ретикулум орқали  $Ca^{2+}$ -ионларини цитозолга чиқишини сусайтириши билан изоҳланади.

4. Копсинин алкалоидининг релаксанти таъсири силлиқ мускул плазмолеммасида жойлашган рецепорга боғлиқ фаоллашувчи  $Ca^{2+}$ -каналли ва шунингдек,  $IP_3R$   $Ca^{2+}$ -ионларини цитозолга чиқишига таъсири билан таъминланади.

5. N4-йод метилат копсинин ва N1-ацетил копсинин алкалоидларининг релаксанти таъсирининг юқори бўлиши, уларнинг таркибида метилат ҳамда ацетил гуруҳининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, бу уларнинг плазмолемма ва саркоплазматик ретикулум ион транспорт тизимларига комплекс таъсирининг мавжудлиги билан номоён бўлади.

6. Индол алкалоидларининг кимёвий структурасига боғлиқ релаксанти таъсирини қиёсий тавсифлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида жиддий ножўя таъсирлардан ҳоли бўлган ва юқори самарали вазорелаксанти фармакологик препаратларнинг оқилона дизайни ва янги авлодини яратиш учун илмий асосни сезиларли даражада кенгайтди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.76.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЮНУСОВ ЛАЗИЗБЕК СОДИКОВИЧ**

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗРАБОТКИ ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИХ  
ПРЕПАРАТОВ НА ОСНОВЕ АНАЛИЗА БИОЛОГИЧЕСКОЙ  
АКТИВНОСТИ РАСТИТЕЛЬНЫХ АЛКАЛОИДОВ**

**03.00.08 – Физиология человека и животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/B489**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Зайнабиддинов Анвар Эркинжонович**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Абдуллаев Гафуржан Рахимжонович**  
доктор биологических наук, доцент

**Мирзаева Юлдузхон Тохиржоновна**  
PhD по биологическим наукам

**Ведущая организация:**

**Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится 25 мая 2021 года в 13:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.76.01 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160107, город Наманган, улица Бабуршах, дом 161. Зал заседаний Наманганского государственного университета. Тел.: (+99869)228-85-01, факс: (+99869) 228-85-02, E-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz) )

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрировано за № \_\_\_\_). Адрес: 160107, город Наманган, улица Бабуршах, дом 161. Тел.: (+99869) 228-85-01.

Автореферат диссертации разослан 13 мая 2021 года.

(реестр Протокола рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Ф.И.Каримов**

Заместитель председателя Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н.

**Х.Э.Эргашева**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, PhD по биологическим наукам, доцент

**И.У.Уразбоев**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., доцент

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день непрерывное увеличение количества различных заболеваний, в частности, сердечно-сосудистой и пищеварительной системы в мировом масштабе является одним из актуальных медицинско-социальных и экономических проблем глобального масштаба. Артериальная гипертония является широко распространенной среди патологий сердечно-сосудистой системы и основным фактором развития ишемии, инфаркта и инсульта. В свою очередь, поиск обладающих кардиопротективными свойствами эффективных соединений на основе местных лекарственных растений, выявление молекулярного воздействия, создание фармакологических препаратов и разработка новейших подходов лечения приобретают важное научное и практическое значение.

В мире ведутся научные исследования для подтверждения выделенных из растений алкалоидов в качестве перспективных источников при разработке фармакологических препаратов в целях профилактики и лечения заболеваний сердечно-сосудистой системы. В частности, уделяется особое внимание определению алкалоидов с фармакологической активностью широкого спектра, выделенных из растения *Vinca erecta Regel*, выделению и химической идентификации индольных алкалоидов, а также разработке комплексных мероприятий по эффективному лечению на практике кардиоваскулярной терапии.

В настоящее время в нашей стране осуществляются важные работы по усовершенствованию текущего состояния фармацевтической промышленности и определению перспективного его развития. В этой связи уделяется особое внимание обеспечению качественными и безопасными лекарственными средствами, производимыми на основе местного растительного сырья. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, усовершенствованию системы обеспечения населения и медицинских учреждений дешёвыми и качественными лекарственными веществами»<sup>1</sup>. Для выполнения поставленных задач, исследования, направленные на изучение механизмов воздействия биологических активных веществ, обладающих фармакологической активностью и выделенных из растений, на сердце и ионно-транспортную систему клеток гладкой мышцы имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3532 «О мероприятиях по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» от 14 февраля 2018 года и № 4310 «О мероприятиях по дальнейшему совершенствованию системы медицинского и

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947- «о стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы

фармацевтического образования и науки» от 6 мая 2019 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** На сегодняшний день, во многих ведущих научных центрах по выделению алкалоидов индола Macrae C.F. и Edgington P.R. (2006), химической идентификации, определению и описанию фармакологического действия Sheldrick G.M. (2015), Grandberg I.I. (2003), Szilagyí G. ва Nagy Z. (2005) ведут широкомасштабные научные исследования.

В масштабах стран СНГ работы в этом направлении освещены в исследованиях Lavrenova G.V. (1997), Андрианова В.М. (2015), Kurmukov A.G. (1992) и Соколовой Н.Д. (1981).

